



## ОРАЛИҚ ТУГАТИШ БАЛАНСИНИ ТУЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*PhD Давлетов Икрам Рахимберганович*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада корхоналарни тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш балансини тузишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Тугатилаётган корхонанинг оралиқ тугатиш балансини шакллантириш мақсадида мажбуриятларни аниқлаш босқичлари, ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишлар, кредиторлар талаблари реестри ва оралиқ тугатиш балансининг шакллари таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** тугатиш, оралиқ тугатиш баланси, кредитор талаблари реестри, мажбуриятлар, тугатиш массаси.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ СОСТАВЛЕНИЕ ПРОМЕЖУТОЧНОГО ЛИКВИДАЦИОННОГО БАЛАНСА

*PhD Давлетов Икрам Рахимберганович*  
Ташкентский государственный  
экономический университет

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы совершенствования методических аспектов составления промежуточного баланса при ликвидации предприятий. Для формирования промежуточного ликвидационного баланса ликвидируемого предприятия предложены этапы определения обязательств, работа, которую необходимо выполнить на каждом этапе, реестр требований кредиторов и формы промежуточного ликвидационного баланса.

**Ключевые слова:** ликвидация, промежуточный ликвидационный баланс, реестр требований кредиторов, обязательств, ликвидационная масса.

## IMPROVING METHODOLOGICAL ASPECTS PREPARATION OF AN INTERMEDIATE LIQUIDATION BALANCE

*PhD Davletov Ikram Rakhimberganovich*  
Tashkent State University of Economics

**Annotation.** In the article discusses issues of improving the methodological aspects of drawing up an interim balance sheet during the liquidation of enterprises. In order to form the intermediate liquidation balance of the liquidated enterprise, the stages of determining obligations, the work to be performed at each stage, the register of creditors claims and forms of an intermediate liquidation balance are proposed.

**Key words:** liquidation, interim liquidation balance sheet, register of creditor's claims, liabilities, liquidation estate.

### **Кириш.**

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичи динамик ўзгарувчанлиги билан тавсифланади. Бундай шароитда айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночор корхоналар қаторига кириб қолишлари ҳамда ўз фаолиятларини тугатишлари табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Статистика портали (O'zbekiston Respublikasining statistika portali, 2024) маълумотларига кўра 2023 йилда Ўзбекистон Республикасида 31 295 та корхона ва таъшилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, уларнинг фаолият кўрсатаётган корхона ва таъшилотларга нисбати 6,45%ни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ночор корхоналарни тугатишга доир ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараён. Хусусан, бунда қарздор-корхонанинг мавжуд активлари доирасида кредиторлар олдидаги қарзлари қайтарилиши, молиявий тизимни самарасиз ишлаб чиқаришдан озод қилиш, амалдаги ва потенциал ҳамкорларни иқтисодий ночор ҳолатдаги корхона билан хўжалик операцияларига киришининг олдини олишнинг қонуний асоси таъминланади. Иқтисодий ночор ҳолатдаги корхоналарни тугатиш жараёнида амалга ошириладиган муҳим ишлардан бири қарздор-корхонанинг оралиқ тугатиш балансини шакллантириш ҳисобланади. Мамлакатимизда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, бизнесни тугатиш жараёнини ташкил қилиш, ушбу жараёнларнинг юридик ва иқтисодий нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий таъминотини ривожлантириш борасида маълум ишлар амалга оширилган. Лекин, кейинги изланишлар корхоналарни тугатиш жараёнида оралиқ ва якуний тугатиш балансларини шакллантиришнинг илмий-услубий ва ташкилий жиҳатлари етарли эмаслигини кўрсатди.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Исломов (2023) томонидан тўловга қобилиятсизликнинг келиб чиқиши, банкротликка оид ишларни амалга оширишда ундирилиши умидсиз бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш масалалари тадқиқ қилинган ҳамда хориж тажрибасини ўрганиб уни механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Россиялик мутахассислар Кузьминых ва Остаповалар (2023) томонидан корхоналар банкротлиги жараёнида оралиқ тугатиш балансини шакллантириш масалалари ўрганилган. Улар томонидан оралиқ тугатиш балансининг бошқа балансларан фарқли ҳамда қайси ҳолатларда оралиқ тугатиш баланси тузилиши масалалари ёритилган. Шунингдек, оралиқ тугатиш балансининг актив ва пассив бўлимлари моддаларини шакллантириш масалалари умумий жиҳатдан ёндашилган бўлиб, ушбу моддаларни шакллантириш тартиби уларни таши жиҳатлари ҳамда оралиқ тугатиш балансининг нинг ишида оралиқ тугатиш балансини тузишда асосан активлар бўлимини тузишга эътибор қаратишган ҳамда оралиқ тугатиш балансининг пассив бўлими моддаларини шакллантириш масаласи эътибордан четда қолган.

Шолбан ва Максимовалар (2018) томонидан ҳам оралиқ тугатиш балансини тузиш методикаси тадқиқ қилинган. Уларнинг ишида тугатиш балансининг операцион балансдан фарқ қилувчи жиҳатлари, оралиқ тугатиш балансини шакллантириш мантиғи ва оралиқ тугатиш балансини шакллантириш актив бўлими моддаларини шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган. Лекин уларнинг ишларида ҳам тугатиш баланси пассив бўлими, хусусан қарздор-корхона мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни шакллантириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг бизнесни тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш балансини тузиш бўйича қарашлари, оралиқ тугатиш балансини шакллантириш

борасидаги муммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага оид қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди. Бизнесни тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш балансини шакллантиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришга тегишли асосланган илмий таклифлар шакллантирилди ҳамда ҳулосалар қилинди.

### **Таҳлил ва натижалар.**

Тугатилаётган корхона оралиқ тугатиш балансининг пассивини шакллантириш серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, унда нафақат услубий масалалар (корхона балансининг моддаларини қайта баҳолаш, таҳлил қилиш ва б.) қўлланилади. Балки, айни чоғда тугатилаётган корхонанинг ўз қарзларини тўлай олиш имкониятларини баҳолашга қаратилган, сифат таҳлили ҳамдир. Бундай таҳлил оралиқ тугатиш балансининг пассивини (тугатиш массассини қоплаш манбаларини) шакллантириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ ва кредиторлик қарзларини, банкка ва бошқа муассасаларга қарзларни ҳамда хусусий капитални баҳолаш масалаларини ўз ичига олади.

Тугатиш жараёнини бевосита кузатиш натижалари шуни кўрсатдики, бухгалтерия ҳужжатлари тугатилаётган корхонанинг барча қарзлари суммасини ҳамиша ҳам акс эттиравермайди. Шунинг учун тугатилаётган корхонанинг мажбуриятларини инвентаризация қилиш оралиқ тугатиш балансининг пассивини шакллантиришда бухгалтернинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Корхона мажбуриятларини инвентаризация қилиш жараёни активларни инвентаризация қилиш жараёнидан бироз фарқ қилади.

Бунда тугатилаётган корхонанинг барча мажбуриятларини аниқлаш йўлидаги дастлабки қадам, уни тугатиш тўғрисида ОАВда эълон бериш ҳисобланади. Ушбу эълонда, у чиққан кундан бошлаб камида икки ой ичида, кредиторлар тугатилаётган корхонага даъво қилишлари мумкинлиги ҳақида кўрсатилиши лозим. Шу билан бир вақтда, суд бошқарувчиси тугатилаётган корхонанинг мажбуриятлари тўғрисидаги мавжуд ахборотлар асосида, ҳар бир кредиторга тугатилаётган корхонанинг улар олдидаги мажбуриятлари тўғрисида хабарнома жўнатиши лозим. Шунингдек, ушбу хабарномада тугатилаётган корхонанинг кредиторлари олдидаги қарздорлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан нусхалар тақдим этилишини ҳам кўрсатиши зарур.

Инвентаризация жараёнида тугатилаётган корхонадаги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган, лекин ҳисобга олинмай қолган мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши ва оралиқ тугатиш балансига тикланиши лозим.

Тугатилаётган корхонага тақдим этилган барча даъволар бўйича жами суммалар аниқланганидан сўнг, кредиторлик қарзлар вужудга келиш муддатлари бўйича таҳлил қилиниши зарур. Бундай таҳлилнинг асосий мақсади – даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзларини аниқлашдан иборат. ЎзР ФКнинг 150-моддасига (Кодекс, 1997) мувофиқ: «умумий даъво муддати – уч йил». Шунингдек, мазкур Кодекснинг 151-моддасига (Кодекс, 1997) мувофиқ: «айрим турдаги талаблар учун қонунчиликда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс 152-162-моддаларининг қоидалари махсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади».

Вужудга келган муддати уч йилдан ошган, талаб қилинмаган кредиторлик қарзлари, тугатилаётган корхонанинг фойдасига ўтказилиб, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари таркибига киритилади ва 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

*Навбатдаги қадам* – тугатиш ишларини амалга ошириш мақсадида тугатилаётган корхонанинг мажбуриятларини гуруҳлашдан иборат. Бунда кредиторлар

талабларининг реестрини тузиш зарур бўлади. Чунки, ЎРҚ-763-сон қонунининг 154-моддаси 1-хатбошисига мувофиқ: «тугатиш бошқарувчиси кредиторлар билан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ ҳисоб-китоб қилади». Лекин амалиётда бундай реестрнинг намунавий шакли мавжуд эмас ва у тугатиш жараёнида ихтиёрий шаклда тузилмоқда. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Кредиторлар томонидан қарздорга тақдим этилган талаблар РЕЕСТРИ»нинг намунавий шаклини тавсия этамиз (-жадвал). Ушбу реестрнинг 9-графасида келтирилган (белгиланган), кредиторлар томонидан қилинган талаблар қаноатлантирилиш навбати бўйича гуруҳланиб, ОТБ (4.4.2-жадвал)га ўтказилади.

Бунда кредиторлар талабларининг реестрига киритилган талаблар ЎРҚ-763-сон қонунининг 150-моддасига мувофиқ қуйидаги тартибда қаноатлантирилади (Қонун, 2022):

«Суд харажатлари, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, жорий коммунал ва фойдаланиш тўловлари, қарздорнинг мол-мулкни суғурта қилиш харажатлари, шунингдек қарздорнинг тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин юзага келган жорий тўлов мажбуриятлари бўйича талаблар ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлса, шу фуқаронинг талаблари *навбатдан ташқари* қаноатлантирилади, бундан ушбу Қонун 154-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган талаблар мустасно.

Иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментлар ундириш тўғрисидаги талабларни қаноатлантириш учун қарздорнинг ягона ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномаларига кўра ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлардан ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган талаблар, шунингдек фуқароларнинг жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида ўз мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари *биринчи навбатда* қаноатлантирилади.

Солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича, мажбурий суғурта бўйича, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар, шунингдек кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларининг гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги оқибатида қопланмай қолган қарздорликка тааллуқли қисми ҳамда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари *иккинчи навбатда* қаноатлантирилади.

Акциялар эгаларининг ҳисобланган дивидендлар бўйича талаблари *учинчи навбатда* қаноатлантирилади.

Қолган барча талаблар *тўртинчи навбатда* қаноатлантирилади».

Фикримизча, корхонанинг оралиқ тугатиш балансини тузиш чоғида, фақатгина сўндирилиш навбати бўйича гуруҳланган ва даъво қўзғатилган мажбуриятлар билан чекланиб қолмаслик керак. Корхонанинг оралиқ тугатиш балансида, тугатилаётган корхонанинг мажбуриятларини тавсифлайдиган алоҳида сатр билан, кредиторлар томонидан даъво қўзғатилмаган мажбуриятларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Кредиторлар томонидан «ЗАФАР» МЧЖга тақдим этилган талаблар РЕЕСТРИ<sup>110</sup>

т/р	Кредиторлар тўғрисида маълумотлар					Талабларни кўриб чиқиш натижалари					Талабларни тан олиш (олмаслик) учун асос бўлувчи ҳужжатлар	Кредитор тан олиши (олмаслик) тўғрисида хабарнома № ва санаси	К-торлар талаб қилмаган қарзлар
	Номи ва манзили	Тугатиш тўғрисида қарор №, сана	Бух. ҳисоб бўйича қарз, минг сўм	Счёт №	Кредитор томонидан қилинган талаблар, минг сўм	Тан олинган			Тан олинмаган				
						минг сўм	Счёт №	Тўлаш навбати	Минг сўм	Суд қарори (№, сана)			
1-	-2-	-3-	-4-	-5-	-6-	-7-	-8-	-9-	-10-	-11-	-12-	-13-	-14-
1	Ишдан бўшаганлар (рўйхати)	№ 1-17	400 000	6710	400 000	400 000	6960	2	-	-	Буйруқ № 14	№ 1-17	
2	Банк «АК»	№ 18	650 000	6810	652 000	652 000	6960	3	-	-	Кредит келишуви № 1	№ 21	
3	Бюджетга солиқлар	№ 19	970 000	6410	970 000	970 000	6960	4	-	-	Таққосл. далолатномаси	№ 20	
4	ЎЗР Пенсия жамғармаси	№ 20	300 000	6520	300 000	280 000	6960	4	20 000	-	Таққослаш далолатномаси	№ 19	
5	Банк «СБ»	№ 21	1 320 000	6810	1 404 000	1 400 000	6960	5	-	-	Кредит шартномаси № 3	№ 18	
6	Таъминотчи «А»	№ 22	400 000	6010	400 000	400 000	6960	5	-	-	Юк-хати № 222, счёт-фактура № 111	№ 22	
7	Таъминотчи «Б»	№ 23	350 000	6010							Шартн. № 4, Юк хат № 4, счёт ф. № 4	№ 23	350 000

<sup>110</sup> Юридик шахсларни тугатишнинг норматив-ҳуқуқий таъминотини ва амалиётини ўрганиш натижалари умумлаштирилиб, диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

Оралиқ тугатиш балансида ушбу сатрни ажратишнинг зарурлиги, кўп ҳолларда тугатиш ишлари жараёнида даъво-аризаларини уларнинг қабул қилиниш муддатлари тугаганидан сўнг тақдим этган шахслардан иборат, яна битта навбат пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бундай даъво-аризалари қабул қилинади, аммо улар тугатилаётган корхонага ўз даъволарини эълон қилганида қайси тўлов муддатига тўғри келишидан қатъий назар, энг охирида тўланади.

## 2-жадвал

**«Зафар» МЧЖнинг 10 апрель 2023 йилга  
ОРАЛИҚ ТУГАТИШ БАЛАНСИ, минг сўм (тавсия)<sup>111</sup>**

А К Т И В	сатр коди	минг сўм	П А С С И В	сатр коди	минг сўм
<b>I. ТУГАТИШ МАССАСИ</b>			<b>I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАЛАРИ</b>		
<b>I.1. Узоқ муддатли активлар</b>					
Асосий воситалар			Устав капитали		
			Қўшилган капитал		
			Резерв капитали		
			Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)		
<b>1 Бўлим жами</b>			<b>1 Бўлим жами</b>		
<b>II. Жорий активлар</b>			<b>II. Мажбуриятлар</b>		
Ишлаб чиқариш захиралари			Талабларни қаноатлантириш:		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш			<b>Навбатдан ташқари</b> (саломат-ликка етказилган зарарни қоплаш);		
Дебиторлик қарзлар			1-навбатда <b>(иш ҳақи бўйича қарздорлик ва б.);</b>		
Молиявий қўйилмалар			2-навбатда <b>(гаров билан таъминланган қарзлар ва б.);</b>		
Пул маблағлари			3-навбатда (акция эгаларига ҳисобланган дивидендлар ва б.);		
<b>2 Бўлим жами</b>			4-навбатда қолган барча талаблар		
<i>II. Тугатиш харажатлари ва тугатиш массасидан чегириладиган мол-мулклар қиймати:</i>			Жарималар, пенялар, неустойкалар, талаб қилиш муддати ўтганидан кейингилари		
суд харажатлари ва бошқа харажатлар					
тугатиш массасидан чегириладиган мол-мулклар қиймати					
<b>3 Бўлим жами</b>			<b>2 Бўлим жами</b>		
<b>Баланс</b>			<b>Баланс</b>		

Биринчи ва иккинчи навбатдаги (яъни, қарздор ҳаёт ва соғлиққа зарар етказганлиги учун қопланадиган) тўловлар, шунингдек иш ҳақи ва ҳар хил тўловлар бўйича талаблар бундан мустасно. Бундай ҳолларда, ушбу талаблар тўлиқ қондирилгунга қадар, бошқа навбатларнинг талабларини қондириш тўхтатиб турилади.

<sup>111</sup> «Зафар» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ОТБ пассивининг I «Ўз маблағлари манбалари» бўлимига, даврий бухгалтерия балансига нисбатан катта ўзгаришлар киритилмайди. Ушбу бўлимда тугатилаётган корхонанинг устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳамда тугатиш ишлари даврида вужудга келган молиявий натижалар акс эттирилади.

Шундай қилиб, тугатилаётган корхона бухгалтерия балансининг активи ва пассивига киритилган тегишли ўзгартиришлар корхонанинг оралиқ тугатиш балансида тугатиш массасининг ҳажми ва тузилмаси, кредиторларнинг талаблари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишга имкон беради. Шу тарзда шакллантирилган тугатиш массаси ҳисобидан эса, кредиторларнинг талаблари қондирилади.

### Хулосалар ва таклифлар.

Тугатиш балансларини тузишнинг норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий таъминотини, шунингдек амалиётини тадқиқ қилиш натижасида уни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида хулосага келдик. Шу мақсадда ишлаб чиқилган тугатиш балансининг тавсиявий шакли умумқабул қилинган даврий баланслардан фарқ қилади (2-жадвалга қаранг).

Ушбу ОТБнинг шакли корхонани тугатишга доир тартиб-таомилларни, шунингдек дастлабки ва якуний баланслар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўзида мужассам этади. Оралиқ тугатиш балансидаги кўрсаткичларни гуруҳлаш тартиби, даврий (одатдаги) баланслар кўрсаткичларининг гуруҳланишидан фарқ қилади. Бу эса, корхонанинг **тугатилиш вақтидаги** молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотларни шакллантиришга ёрдам беради.

ОТБнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича иккита ҳисобот даври учун келтирилиши лозим бўлиб, айна вақтда улар маълум даражада таққосланмайдиган бўлади. Масалан, мажбуриятлар сўндирилиш муддатлари бўйича эмас, балки қонунда белгиланган тўлаш (қоплаш) муддатлари бўйича гуруҳланади. Демак, ҳисобот давридан олдинги даврнинг маълумотларига маълум бир тузатишлар киритилади.

Шундай қилиб, ОТБларни тузиш ва кредитиорлар талабларини қондириш бўйича услубий ёндашувлар ва амалиётини ўрганиш қўйидаги хулосалар ва амалий тавсияларни ҳам шакллантиришга имкон берди:

*Биринчидан*, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва мулккий ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун амалиётда, ҳисоб объектларининг иқтисодий мазмуни ўзгаришига қарамасдан, олдинги, яъни фаолият кўрсатаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиб келинаётган счётлардан фойдаланилади. Масалан, 0100 – “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар” (0110-0190), 0400 – “Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар” (0410-0490), 0600 – “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар”, 1000 – “Материалларни ҳисобга олувчи счётлар” (1010-1090), 4000 – “Олинадиган счётлар”, 5000 – “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар”, 5110 – “Ҳисоб-китоб счёти”, 5200 – “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар”, 5800 – “Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар”;

*Иккинчидан*, оралиқ тугатиш балансини тузиш жараёнида тугатилаётган корхонанинг мажбуриятлари операциялар балансидаги каби тўлов муддатлари бўйича гуруҳланмасдан, кредиторлар талаблари реестридан келиб чиққан ҳолда тўлов навбатига асосида гуруҳланади;

**Адабиётлар / Литература/Reference:**

*O'zbekiston Respublikasining statistika portali, 2024. Faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar va tashkilotlar soni (yillik). [Online] Available at: <https://siat.stat.uz/reports-filed/256/table-data>*

*Исламов, К.С., (2023). Тўловга қобилиятсиз (банкрот) корхоналарни тугатиш ва умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш механизмини такомиллаштириш тартиби. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, pp. 103-111.*

*Кодекс, (1997). Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. [В Интернетe] Available at: <https://lex.uz/docs/111189>*

*Кузьминых, А.А. & Остапова, В.В., (2023). Методика формирования промежуточного ликвидационного баланса в процедуре банкротства организации. Вестник науки, Issue 12, pp. 139-143.*

*Қонун (2022). Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида. [В Интернетe] Available at: <https://lex.uz/docs/5957612>*

*Шолбан, Л. Х. & Максимова, Г. В., 2018. Методика составления промежуточного ликвидационного баланса. Вестник НГУЭУ, Issue 4, pp. 124-134.*